O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 15-noyabr, chorshanba, 46 (376)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



Истиқболли ёшлар

2-Тошкент юридик коллежи талабалари тажрибали ва билимли устозларининг ўгитларига амал қилиб, илм сирларини пухта эгалламоқдалар. Улар ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: коллеж фаолиятидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

● **Аччиқ сабоқлар**

ОДАМЛАР ЯХШИНИ ҲАМ, ЁМОННИ ҲАМ АЖРАТА БИЛАДИ

Мамлакатимиз миқёсида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, пахтачиликда қўлга киритилган ютуқлар салмоқли бўлаётир. Фермерчиликнинг самараси, одамларда мулкка, ерга эгалик ҳиссини ортиб бораётгани ўз меваларини берди. Республикамиз пахтакорлари жорий йилда октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ йиллик режани уддалаганлиги фикримизнинг далилидир.

Пахтачиликда шундай бир қувончли ўзгаришлар содир бўлган пайтда Фарғона водийси вилоятларида ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳам пахта териш давом этди. Далаларда одамлар йилт этган пахта қидириб сарсон бўлишди. Ўз умрини ўтаб бўлган эски бошқарув тизимига ёпишиб олган, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бермаётган, боқимандалик кайфиятидан воз кечолмаётган раҳбарларнинг «шарофати» билан водийнинг кўплаб туманларида шартнома режаси уддаланмади.

Андижонда тажрибасини ўрганса арзигулик илғор фермерлар бор. Улар ҳар қандай оғир шароитда ҳам белгиланган режаларини ортиғи билан уддалаб юзлари ёруғ бўлаётир.Улардан бири Кўрғонтепа туманидаги «Акбаршох саховатлари» фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали мутахассис Мадамин Исмоиловдир. У бошлиқ жамоада бу йил 15 гектар майдондаги ғалланинг ҳар гектаридан 62 центнердан уруғлик буғдой етиштирилди. Ўн беш гектар пахта даласининг ҳар гектаридан эса режадаги 30 центнер ўрнига 44 центнердан хомашё олинди. Хўжалик умумий даромади 37 миллион сўмни ташкил этиб, унинг ўн беш миллион сўми соф фойда.

Қува туманидаги «Оқолтин» фермер хўжалиги тажрибаси ҳам кўпчиликка намуна бўла олади. Мана, олти йилдирки жамоа ҳар доим, ҳар қандай оби ҳаво шароитида ҳам ғаллаю пахта режаларини ортиғи билан уддаламоқда. Фермер хўжалиги раҳбари Ҳурматилло Ҳакимовнинг ташаббуси билан фойда ҳисобидан ҳар йили катта хайрия ишлари амалга оширилаётир. Хўжаликнинг шийпонида бўлганларнинг баҳри дили яйрайди. Бу ердаги саранжом-сариштaлик, қулай шарт-шароит, мевали ва манзарали дарахтлару гулзорларнинг ўзиёқ жамоа равнақ топаётганлигидан далолат беради.

Аммо ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Катта деҳқончилик тажрибасига эга мутахассислар етарли бўлган пахтакорлар бу йил нега хижолатда қолишди? Бу саволга Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилояти кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида жавоб очиқ-ойдин айтилди.

Гул тикансиз, шакар чивинсиз бўлмас деган гап бор халқ орасида. Қиғир ишларнинг қийиғи бир кун келиб, албатта, кўриниб қолади. Андижон вилоятида бир гурух (ҳозирда собиқ) раҳбарлар давлат ҳисобидан уй-жой, лицей, коллежлар қуриш ва ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағларни ўгирлаш, талон-тарож қилиш жиноятини содир этганликлари учун узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Бу аччиқ ҳақиқат кўпчиликни ҳушёр этмоғи зарур.

Кейинги йилларда Андижон ва Фарғона вилоятларидаги баъзи ишларни кўриб ёқангизни ушлайсиз. Масалан, «бензинфурушлик» шу қадар авж олиб кетганки, бундай қонунбузилишларни ҳуқуқ-тарғибот идоралари, назорат органлари вакиллари гўёки кўрмаётгандай. Йил сайин ким ўзарга қурилаётган ёнилғи қуйиш шохобчаларининг сони ортиб бораётир. Аммо тез-тез ёнилғи танқислиги сезилиб қолаётир. АЁҚШлар бўсағасида соатлаб навбат кутишлар етмаганидек, ҳайдовчилар кўп ҳолларда давлат белгилаган нархларда ёнилғи харид қилишнинг имконини тополмайди. Устама ҳақ олиш худди «белгилаб» қўйилгандай?

Кўчалар ва хонадонларда ҳатто мактаб ёшидаги болалар ҳам «бензинфурушлик» билан машғул. Қўлда сотилаётган ёнилғининг сифатига ҳеч ким жавоб бермайди. Бундай нохуш аҳвол қачонгача давом этади?

Айрим қишлоқларда тоза ичимлик суви билан таъминланганликнинг ҳақиқий аҳволи ҳисоботлардагига тўғри келмайди. Қувур бўлган ҳам сув келмаса, бундан не фойда? Одамлар идиш кўтариб узоқ масофалардан сув ташиб қимматли вақтларини беҳуда сарфласаю, раҳбарларнинг уларга жони ачимаса?

Ҳар икки вилоятнинг бозорларига кирсангиз маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган 1 навли уннинг нархи 370-380 сўмдан сотилаётганини гувоҳи бўласиз. Андижон шаҳридаги дон маҳсулотлари корхонаси мутахассисларидан олинган маълумотга кўра, бир килограмм биринчи навли ун 214 сўм 76 тийин нарх билан корхонадан чиқади. Биржада эса 5 фоиз устама қўйилса 225 сўм 50 тийинга боради. Деҳқоннинг бозордан 370-380 сўмга ун харид қилаётганда кўнглидан нима гап ўтиши табиий.

Маҳаллий ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пахта ёғини сотиш билан боғлиқ аҳвол ҳам худди шунга ўхшаб кетади. Вилоятларнинг янги раҳбарлари мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиб, уларни бартараф этиш йўлларини топади деб одамлар умид қилишаётир.

Яқинда бир амри-маъ рифда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов «Эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун билиш ҳам катта ибодатдир» деган ҳикматли иборани тилга олди. Ҳар ким нафс мактрига мағлуб бўлса, давлат ва юрт манфаатига чанг солиб мол-мулк йиғса, қасру-айвонлар қурса ҳеч қачон рўшноликка эриша олмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, фақат ўз манфаатини ўйлаб, етти пуштига етадиган бойлик ва мол-дунё тўплашга берилган раҳбарлар етказган моддий зарар ҳақида рақамларни келтириш мумкин, лекин уларнинг халқимизга етказган маънавий зарарини нима билан ўлчаб бўлади? Бундай кимсалар бир нарсада қаттиқ янглишади, яъни ўзларининг кирдикорларини оддий одамлар, эл-юрт билмайди деб ўйлайди. Ваҳоланки, одамлар ҳаммасини билади, аммо ўзбекчилик, андиша, юзхотир деган гаплар бор. Ана шундай тушунчаларни суистеъмол қилиш халққа нисбатан хиёнат эмасми?

Бу аччиқ ҳақиқатни эл-юрт тақдири учун масъул бўлган раҳбарлар ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Ўринбой КЕНЖАЕВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.Обунани ташкил этишда фаол қатнашган вилоят ва туман партия кенгашлари,корхона ва ташкилотлар раҳбарлари рағбарлантирилади

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Ангор туман кенгаши ташаббуси билан Ангор педагогика коллежида «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан Бухоро давлат университетида «Ёшлар — миллат келажаги» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Самарқанд вилоятидаги Нуробод касб-ҳунар коллежида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан «Эгали юрт эркини бермас» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Китоб туман кенгаши ташаббуси билан «Президентимиз асарларида ҳомийлик тушунчаси» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Самарқанд туман кенгаши ташаббуси билан «Таълим тизимида миллий ғоя тарғиботи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши фаоллари иштирокида вилоят радиосида «Тадбиркорлик ва касаначилик — «Миллий тикланиш» партияси нигоҳида» мавзуида жонли мулоқот бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Пахтазор» маҳалла фуқаролар йиғинида «Дин ва ёшлар» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан партиянинг вилоят ва туман кенгашларидан сайланган депутатлар билан учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Самарқанд вилоят кенгашида «Фитна ва иғволарга учманг» мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритмоқда. Қуйида ушбу қонун лойиҳаларининг матнлари ҳамда уларнинг шарҳлари келтирилмоқда.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

2-модда. Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари

Сиёсий партия фракцияси — сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Парламентдаги кўпчиликни ўзларининг мақсадли дастурий вазифаларининг яқинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси ялпи мажлисининг баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

3-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби

Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини тақдим этади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайланган тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимдан озод қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимдан озод қилинади:

а) Бош вазирнинг истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

в) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни парламентнинг етакчи сиёсий партиялар фракциялари қўллаб-қувватласа ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимдан озод қилиниши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган тақдирда, тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатилган лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

(Давоми. 2-бетда).

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

7-модда. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари

Назорат қилиш вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритади ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

8-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, Ҳукумат ва жойлардаги давлат органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг таъсирини кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 11, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3 — 4, 27-модда) қуйидаги тузатишлар киритилсин:

1) **89-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди»;

2) **93-модданинг 15-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли»;

3) **102-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ва лавозимидан озод қилинади».

2-модда. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг

ҚАРОРИ

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қонунлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилсин.

3. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э. Халилов

2006 йил 8 ноябрь.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларига

ШАРҲЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси номига йўллаган хатидаги принципиал мезонлар

Мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш вазифаси биринчи навбатда сайлов жараёнларида фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида муҳим ўрин тутади.

Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида ана шу вазифани амалга ошириш давлат-ҳуқуқий тизимини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида энг таъсирчан туртки ва муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Демократик давлат қуриш, фуқаролик институтларини шакллантириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш борасида тарихан узоқ йўлни босиб ўтган хорижий мамлакатларнинг бой тажрибаси ва қўлга киритган ютуқлари айнан шундан далолат беради.

Бу вазифани ўз вақтида кун тартибига қўйиш заруратини, аввало, жамиятимизни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича биз танлаган тараққиёт модели талаблари, мустақиллик йилларида сиёсий партиялар томонидан тўпланган тажриба тақозо этмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг тобора ўсиб бораётган сиёсий онги ва фаоллиги барчамизни шунга даъват этмоқда.

Халқимиз учун номақбул бўлган эски мустабид тизимдан бугун биз барпо этаётган инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати ва эътиқоди энг устувор тамойил ҳисобланган озод жамият сари Ўзбекистон босиб ўтган оғир ва мураккаб йўлни танқидий баҳолар эканмиз, мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган давлатчилик ва янги жамият пойдеворини шакллантириш бўйича танлаган миллий тараққиёт моделимиз нечоғли тўғри эканини узил-кесил таъкидлаш учун барча асосларга эгамиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ жойларда қўппартиявийлик ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва маҳаллий вакиллик органлари ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ва ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратиш мақсадида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Олий Мажлисига айлантирилди.

Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, икки палатали Олий Мажлиснинг бир ярим йил давомидаги фаолияти парламент ислоҳоти ўз вақтида ва пухта ўйлаб амалга оширилганидан далолат бермоқда.

Натижада сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият — мамлакат парламентининг, шунингдек, сиёсий партияларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва таъсири анча ортгани сезилмоқда. Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланмоқда, фракцияларо курашлар кучаймоқда ва бу ҳолат сиёсий партиялар нуфузининг ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий тажриба орттириш ва сиёсий етукликка эришиш, энг муҳими, молиявий мустақиллик, жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратига таяниш — бу, шак-шубҳасиз, бугунги кунда сиёсий платформаси ва йўналишидан қатъи назар, мамлакатимизда барча партиялар босиб ўтаётган йўлдир.

Айни вақтда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириши, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда.

I. Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга долзарб қилиб қўяётган ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг энг муҳим мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада ошириш. Фақат халқ иродасига, фуқароларнинг ўтказилаётган ислоҳотлардаги фаол иштирокига, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни тушуниши ва қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш мумкин.

Иккинчи. Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш.

Учинчи. Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш.

Бу борада марказда ва жойларда ижро этувчи органларни ташкил қилишда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларидан ўрин олган сиёсий партиялар, шунингдек, депутатлар мустақил гуруҳларининг бевосита иштирок этиши ҳамда шу тариқа ўз дастурий мақсадларини амалга ошириши масаласига муҳим амалий ва ҳаракатлантирувчи омил сифатида жиддий эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчи. Ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш.

II. Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларни амалга ошириш учун муҳокамага киритилган қонунлар лойиҳаларида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

А. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси

1. Сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида турган вазифаларни ҳал этишдаги ролини сезиларли даражада ошириш мақсадида, шунингдек, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, палата ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳал этиш жараёнида фракциялар ўртасида тобора кучайиб бораётган тортишув ва курашларни ҳисобга олиб, Қонуннинг 2-моддасида («Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари») турли хил сиёсий мақсадларни кўзлайдиган, сайловлардан сўнг шакллантирилган ҳукуматнинг тутадиган йўли (курси) ва дастурига ўз муносабатини белгилаб оладиган сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланмоқда.

Хусусан, бунда қуйидагилар назарда тутилмоқда: «Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Парламентдаги кўпчиликни ўзларининг мақсадли дастурий вазифаларининг яқинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин».

Шунингдек, парламентдаги мухолифатнинг самарали фаолият юритиши учун кафолатлар тизимини яратиш мақсадида қонун лойиҳасининг 2-моддасида қуйидагилар назарда тутилмоқда: «Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси ялпи мажлисининг баённомасига киритиш» ва бошқа ҳуқуқлар.

Мазкур моддада парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари ролини мустаҳкамлаш ва айрим депутатлар томонидан турли хил конъюнктуравий қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно этиш мақсадида мазкур моддада сиёсий партия томонидан номзоди кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги белгиланмоқда. Шу муносабат билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 23-моддасидан мазкур депутат «ҳеч бир фракция ёки депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли» эканлиги тўғрисидаги нормани чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этадиган мухолифат шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини камситишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги қоидани ўз ичига олган 34-моддаси ривожлантирилган ҳолда, мамлакат парламентидаги кўпчилик ёки мухолифат сифатида ташкил этилган фракциялар, уларнинг блоклари ҳақидаги тушунчалар миллий қонунчиликка киритилмоқда.

Қонун лойиҳасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва уларга қўшилган мустақил депутатлар фаолиятини баҳолаш принципларида ва мезонлари демократик давлатларнинг умумэътироф этилган тажрибасидан келиб чиқади. Яъни, демократик давлатларда мамлакат парламентига сайловларда иштирок этаётган у ёки бу сиёсий партия ўзининг дастурий мақсадларини янгитдан шакллантирган ҳукуматнинг қандай йўлни (курсни) танлаши, унинг ўз олдига қўйган мўлжали ва мақсадли вазифаларига ўз муносабатини билдирган ҳолда белгилайди.

Бу борада айрим хорижий мамлакатлар давлат-ҳуқуқий, сиёсий тизимида янгитдан сайланган парламентда мутлақо кўпчилик ўринни эгаллаган партиянинг ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритиши ва унинг етакчиси ёки вакили Бош вазир лавозимига даъвогарлик қилишини назарда тутадиган тажриба ҳам мавжуд. Бундай модель демократик ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтган ва электорати етарли даражадаги юксак сиёсий ва ижтимоий тафаккурга эга бўлган давлатлардагина қўлланилади.

Ана шундай давлатларда бир неча бор ўз ҳукуматини шакллантирган партия парламентдаги кўпчилик ўринни йўқотишига қарамасдан, «норасмий ҳукумат»ини сақлаб қолаверади ва у зарур бўлган пайтда мамлакат келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Бундай шарт-шароит мавжуд бўлмаган ёки ҳали яратилмаган мамлакатларда бундай модель одатда уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, коррупция ва жиноий гуруҳларнинг майдонга чиқишига олиб келиши мумкин ва буни шундай жараёнлар юз берган кўпгина давлатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

2. Сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қуйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳасининг 3-моддасида қуйидагилар белгиланмоқда: «Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга». Бу норма Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзолиги тўхтатиб туриши ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмаслиги ҳақидаги амалдаги тартибни («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 15-моддаси) тубдан ўзгартиради.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси 3-моддасининг қабул қилиниши нафақат Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш, балки палатада қарорлар қабул қилиш жараёнини сезиларли равишда демократлаштириш имкониятини ҳам яратади.

3. Қонунчилик палатасида, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларга, шунингдек, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан сайланган депутатларга марказда ва жойларда ижро органларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида қонун лойиҳасининг 4-моддасида («Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби») қуйидагилар назарда тутилмоқда:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқланган ҳисобланади».

Агарки овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга экани Қонун лойиҳаси 4-моддасининг 3-қисмида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Бу борада Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган ҳолатда, тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида янги сайловлар ўтказилиши белгилаб қўйилади.

Бундай тизим эа амалиёт кўплаб демократик мамлакатларда, хусусан Германия, Финляндия, Испания, Чехия, Словакия, Греция ва бошқа давлатларда мавжуд.

Амалдаги қонун ҳужжатларида сиёсий партияларга, уларнинг парламентдаги фракцияларига ҳукумат раҳбари лавозими учун номзод белгилаш жараёнига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 10-бандига мувофиқ мамлакат Президенти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади ва лавозимидан озод қилади».

Бош вазир лавозимига номзод борасида сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар билан албатта маслаҳатлашувлар ўтказилиши, уни парламент томонидан тасдиқлаш тартибининг жорий этилиши, шунингдек, аниқ тартиб-таомилларнинг ўрнатилиши ва шу муносабат билан қарорлар қабул қилиниши Президентнинг вазифаларини аниқ-равшан белгилаб беради ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклайди. Мазкур тартибнинг ўрнатилиши сиёсий партияларнинг ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, давлат қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги ролини кучайтириш йўлидаги муҳим қадамдир.

4. Ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳаси 5-моддасининг «г» бандига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилмоқда. Мазкур нормага кўра, агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни парламентнинг етакчи сиёсий партиялар фракциялари қўллаб-қувватласа ва Президент томонидан овозга қўйилганда Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам депутатлар ва Сенат аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шу билан бир қаторда қонун лойиҳасига кўра Вазирлар Маҳкамаси раҳбари мамлакат Президенти томонидан қуйида келтирилган асослар бўйича озод этилиши мумкин:

— Бош вазирнинг истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан;

— Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

— Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига зид бўлган қарорлар қабул қилган тақдирда.

Амалдаги қонун ҳужжатларида Бош вазирнинг лавозимидан озод этилишига сабаб бўладиган асослар рўйхати белгилаб берилмаган. Бугунги кунда қонун ҳужжатларида Бош вазирнинг сиёсий партиялар фракциялари ташаббусига биноан лавозимидан озод этилишини назарда тутадиган нормалар мавжуд эмас.

Қонун лойиҳасининг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимдан озод қилиниши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тўлиқ таркибда истеъфога чиқишига сабаб бўлиши ҳам белгиланган.

5. Сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришдаги таъсирини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳасининг 6-моддасида («Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби») «Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади» деб белгилаб қўйилмоқда.

Вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатилган лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайловлар тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари бўйича ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берган тақдирда, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқини назарда тутувчи нормаларнинг қонун ҳужжатларига киритилиши жойлардаги давлат бошқарув тизимининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг ҳуқуқий кафолатларини, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган. Мамлакат Президенти томонидан жойлардаги вакиллик органларини тарқатиб юбориш ҳуқуқини назарда тутадиган бундай норма дунёнинг бошқа қатор ривожланган демократик давлатларида ҳам мавжуд, мисол учун, Италия, Португалия ва бошқаларда.

Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ҳокимликка номзод бўйича қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фармон қабул қилинади. Бу норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 ва 102-моддалари қоидаларига мос келади.

6. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фаолияти устидан назорат қилиш борасидаги ишларини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳасининг 7-моддасида партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритади ва муҳокама натижаларига мувофиқ ушбу масала юзасидан қарор қабул қилади.

Б. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида Конституциянинг 89-моддаси янги таҳрирда берилмоқда, унда «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди» деб белгилаб қўйилган. Мазкур таҳрир кўплаб демократик мамлакатларнинг конституцияларидаги шунга ўхшаш таҳрирларга тўлиқ мос келади. Амалдаги модданинг мамлакат Президенти Ўзбекистон Республикасида бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи экани тўғрисидаги нормаси Конституциядан чиқариб ташланмоқда.

Конституциянинг вилоят ҳокими лавозимини тасдиқлаш тартибини белгиловчи 93-моддасининг 15-банди, 102-моддасининг 2-қисми «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси нормаларига мувофиқлаштирилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тузатишлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, Ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, энг асосийси, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётига таъсирини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлади. Мазкур қонунлар лойиҳаларининг аҳамияти фақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолияти билангина чекланиб қолмайди. Ушбу қонун лойиҳаларидаги қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига ҳам чуқур таъсир ўтказади.

Партия ҳаёти

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ана шу мавзуда давра суҳбати ўтказди.

Уни институтнинг Тошкент шаҳар бўлими ходими Муаттар Пўлатова олиб борди. Дастлаб мазкур институтнинг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Баҳодир Мамадиевга сўз берилди. Нотиқ олиб борилаётган ишлар ва ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гапирар экан, институт ташкил этилганлигига эндигина уч йил, шаҳар бўлими очилганлигига эса бир ярим йил вақт бўлганлигини айтди. У жамиятимизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш долзарб масалага айланганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партиянинг Тошкент вилоят кенгаши раиси Шарифа Салимовага сўз берилди.

— Партиямиз сафида 47,8 фоиз аёллар бор, — деди у ўз сўзида. — Бу анча катта рақам. Лекин аёлларимизда лидерлик фаолияти суст боришининг ўзи зиммамизга жуда катта вазифаларни юклайди.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматованинг нутқида эса ўтмишда ўз зукколиги, билим ва салоҳияти билан донг таратган момоларимиз Тўмарис ва Бибихонимларнинг жасорати, оқиллигу донишмандликлари тилга олинди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Турон» маҳалласи фаоли Рўзигул Баҳромова эса маҳалладаги муаммолар ҳақида гапириб, уларнинг ечимини топиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» раиси Холида Очилова, «Бободеҳқон» маҳалла қўмитасининг диний-маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъмура Мўминовалар хотин-қизлар саломатлиги, айниқса, қизларни турмушга тайёрлаш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида гапирди.

Тадбир сўнгида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажоновага сўз берилди. У ўз сўзида республика хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган хайрия тадбирлари ҳақида гапирди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

ҲАЙРАТ

Шоҳи зинда. Узоқ тарихлардан сўзлаб турувчи мақбаралар. Бу масканда мўътабар инсонлар абадий қўним топган. Мақбараларнинг энг қадимийси Қусам ибн Аббос мақбараси. Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоллоҳи алайҳи вассаламнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос 676 йилда Самарқандга ислом динини тарғиб қилиш учун келади. Шу жойда ислом душманлари томонидан ўлдирилади ва бу гўшага дафн этилади. Маҳаллий аҳоли ўртасида унинг ўлими билан боғлиқ мўъжизавий ривоятлар бор.



Шоҳи зинда ансамбли XIV — XV асрлардаги меъморчилик намунаси ҳисобланади. Мустақиллик шарофати билан бу мажмуа қайта таъмирланиб янада гўзал қиёфага кирди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлардан тортиб, мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам муқаддас қадамжони кўриб ҳайратларини яшира олмайди.

Ўринбой КЕНЖАЕВ олган сурат-лавҳа.

МАҚСАДИМИЗ — ЭЗГУЛИК

Жамоатчи, олима, фаол, нафақада бўлса ҳам эл корига меҳнати, ақлу салоҳияти билан ёрдам беришга шай аёлларни бирлаштирган бу нодавлат ташкилоти тузилганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Шундай бўлса-да, у доимо ҳаракатда, эзгу ишларни амалга ошириш истагида. Ташкилот аъзоларининг шиори «Мақсадимиз — эзгулик» дейилиши ҳам бежиз эмас.

Ташкилотнинг навбатдаги йиғилишида унинг етакчиси Дилбар Ғуломова олиб борилаётган ишлар йўналиши хусусида гапириб, ташкилот аъзоларининг оилалар, ёшлар ўртасида, айниқса, кам таъминланган оилалар, ногиронлар муаммоларини ҳал этишда баҳолиқудрат иштирок этиб келишаётганини таъкидлади.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Бектемир тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Қундуз Сайидалиева, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, партия аъзоси, аёллар етакчиси Холида Очилова, ташкилот фаолларидан фан доктори Қумри Абдуллаева, фан номзоди Муборак Юнусхўжаевалар сўзга чиқиб, қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида гапиришди.

Насиба ОЧИЛОВА.

Савоб

Азалдан кўпни кўрган кекса ёшли кишиларнинг кўнглини кўтариш, улар билан ҳамсуҳбат бўлиш, маслаҳатларини олиш ҳам эзгу фазилат саналган.



КЕКСАЛАР ДУОСИ

Яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши фаолларидан бир гуруҳи Мирзаобод туманидаги «Беш қўш» қишлоғида яшовчи 87 ёшли Муслима Бозорбоевани йўқлаб боришди.

Муслима она ёлғиз боши билан олти нафар фарзандини эл корига ярайдиган инсон қилиб тарбиялади. Ҳалол меҳнати, пешона тери билан катта қилди уларни. Ҳозирда табаррук онахон невара ва чеварлари ардоғида қарилик гаштини сурмоқда. Меҳмонлар орасида севимли шоиримизнинг умр йўлдоши Ҳанифа Орипова ҳам бор эди. Ҳанифа опа қўли гул чевар экан. Ўзи тикиб келган кўйлакни момога кийдириб, бошига оқ рўмол ўрадилар.

Шу куни пойтахтдан борган меҳмонлар ҳамда Сирдарё вилоят кенгаши депутатлари Х.Нишонбоев, А.Яриев, Б.Сафаров ва бошқалар иштирокида «Ватан — муқаддас даргоҳ», «Қарияларимиз ва қадриятларимизни асрайлик» мавзуида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Жамият ва қонун

ҚИЛМИШ ҚИДИРМИШ

— Озгина камга ўхшайди-ёв, яна юз-юз қилмасак бўлмайди?

— Юз-юз нима бўлади, бир йўла биттани иккига бўлиб уриб қўя қоламиз.

Мирпўлатнинг бу хохиши шеригига ҳам мойдек ёқиб тушди. Иккови бир шиша ароқни бир зумда ичиб қўйишди.

— Бирорта «жонон» бўлганда борми? Мириқиб дам олардимда! Анови Назиранинг қўлига бир-икки сўм берсак, қиз топиб берармиди?

Аввалари ҳам Назира унинг «ҳожатини» чиқариб юрарди. Қўшмачининг иши шу — қиз топиб келиб пулини олади.

— Ёшроғидан бўлсин, — Мирпўлат Назирага икки минг сўм берар экан дўқ қилиб қўйди. Аммо орадан икки соатдан кўп вақт ўтса-да, ундан дарак йўқ. Мирпўлат кечки соат тўққизгача кутдида, асабий бир ҳолатда кўзига қон тўлиб Назиранинг олдига борди.

— Топсанг тезроқ топ, бўлмаса пулни қайтар, — Мирпўлат ғазаб билан бақирди.

Назира таниш «қиз»ларнинг ҳаммаси ишга чиқиб кетганини, пулни эса ишлатиб қўйганини айтади. Мирпўлатнинг шу тобда кўзи кўр, қулоғи кар эди. Оғзига келган сўзлар билан Назирани сўкади. «Шаҳарда қиз қуриб кетган бўлса, ўзинг юр», — деб Назирани Янгибозорнинг орқа тарафидаги ярим бузилган иморатлардан қолган хандаққа мажбурлаб етаклайди. Жирканч бир шароитда у қўшмачининг ўзини зўрлайди. Кейин бошига ғишт бўлаклари билан уриб, жуда оғир тан жароҳати етказади. Ваҳшийлик шу даражага етадики, Назиранинг боши ёрилиб, суяклари синиб кетади. Мирпўлат уни ярим-яланғоч ҳолда ташлаб, воқеа жойидан қочиб кетади. Қалбида заррача меҳр йўқ Обид эса бу фожиани кузатиб туради. Шеригини бу йўлдан қайтариш у ёқда турсин, жиноят ҳақида ҳеч кимга хабар ҳам бермайди, қотилликни яширади...

Эрталаб жасадни тасодифан шу маҳаллада яшовчилардан бири кўриб қолади ва милицияга хабар беради. Изқуварларнинг тезкор тадбирлари натижасида қотил ва унинг улфати тезда қўлга олинади.

«Кўр кўрни қоронғида топади», деган мақолга биз юқоридаги воқеа мисолида яна бир бор амин бўлдик. Эл назаридан қолиб, одамлар нафратига дучор бўлган уч кимсанинг аччиқ қисмати.

Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин. Ароқхўр ва суюқоёқларнинг тақдири зулмат ичида залолат ботқоғига ботиб, ном-нишонсиз унут бўлади. Хизмат тақозоси билан ичкиликбоз, енгилтабиат, гиёҳванд кимсаларнинг жирканч қилмишларига — жиноятларига қонуний баҳо бериб жазо тайинлашга тўғри келади. Минг афсуски, бундайлар сони камаймаётир.

Мирпўлат қилган қотиллиги, Обид эса оғир жиноятни яширганлиги учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Назиранинг умри эса фожиали ўлим билан тугади.

Андижон шаҳрининг Янгибозор ҳудудида содир бўлган ушбу фожиа баъзи одамларга сабоқ бўлсин деб жиноятчилар номларини ўзгартириб қоғозга тушиردик.

Бахтиёр НИЗОМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг судьяси.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси ва Юқори Чирчиқ тумани шифокорлари

мамлакатимизда кенг нишонланган Тиббиётчилар куни байрами билан юртимиздаги барча ҳамкасбларини самимий табриклайди. Ҳаммага соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат ва ишларига ривож тилайди.

Яқинда Олмалиқ шаҳрида ўтказилган «Ҳамшира — 2006» республика кўрик-танловида туманимиз марказий касалхонаси ҳамшираси Ўғилжон Қосимова биринчи ўринни олиб, ғолиб деб топилди. Унга юртимиздаги тиббиёт олий ўқув юртларидан бирига ўқишга кириш имтиёзи берилди ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди. Биз бундан, албатта, фахрланамиз. Ўғилжон Қосимова каби зукко ҳамшираларимиз кўпаяверсин!

Ранг-баранг олам

Қайси рангни ёқтирасиз?

Ҳар кимнинг ўзига ёқадиган ранги бўлади. Инсон ҳаёти давомида кўнглига ёққан рангларда кийинишга ҳаракат қилади. Уйни безатиш, ҳатто машина ё телефон сотиб олаётганда ҳам кўнглига ёққан рангни танлайди. Инсонлар борки, севимли рангларига қараб ҳордиқ чиқаради.

Сиз яқин кишингизнинг қандайлигини билишга ҳаракат қилмоқчисиз? Бунда сизга ранглар ёрдам беради. Сиз, аввало, унинг қайси рангни севишини билиб олинг ва шунга қараб хулоса чиқаринг. Кўнглидагини топиш учун эса биз сизга ёрдам берамиз.

ОҚ — Орзу ва бахт ранги. Бу энг яхши ранг ҳисобланади. Бу рангни ёқтирувчилар тартибли ва озода, кийимини, уйини саранжом тутувчилардир. Улар ҳамиша тозаликка эътибор қаратадилар.

ҚОРА — Оқ рангга қарши бўлиб, бу ранг ишончсизлик, тушкунлик, ҳаётда умидсизлик белгисини билдиради. **ҚИЗИЛ** — Ишқибозлик, завқ, ҳавас бағишловчи ранг. Бу рангни севувчилар одатда қўрқмас, дангал, эркин, қизиққон ва жамоатчи бўладилар. Бу рангни ёқтирмаганлар эса жанжалдан қўрқувчи, ҳар хил вазиятда турланувчидирлар.

ПУШТИ — Бу ҳаёт ранги. У сахийлик ва севгига талабчанликни ифодалайди. Бу рангни ёқтирувчилар таассуротга бой ва таъсирчан бўлиб, оддий ҳолларда ҳам ҳаяжонга бериладилар.

САРИҚ — Бу ранг тинчлик, одамлар билан суҳбатда эркинлик, бемалоллик, олижанобликни билдиради. Бу рангни ёқтирувчилар ташкилотчи, ботир, мулойим, инсонларни ўзига қаратувчи бўлишади. Ёқтирмаганларчи? Бу тоифадагилар инжиқ, одамлар билан келишиши қийинроқ кишилардир.

ЯШИЛ — Умид ва орзуларга қанот берувчи ранг. Кузатувчанлик, синчковлик, бир сўзлилик, гоҳида ўз мақсади учун қайсарлик бу рангни ёқтирувчиларга хос фазилат. Улар жуда тез дўст-душманни фарқловчилардир.

КЎК — Осмон ранги. У одатда кўнгил, руҳлар ранги ҳисобланади. Агарда кўк ранг ёқтирилса, камтарлик, тўғрисўзлик, босиқлик тушунилади. Бу одамлар яхши ва бўйсунувчандир. Кўк рангни ёқтирмаганларга эса ўзига ишонмаслик хос.

ЖИГАРРАНГ — Бу рангни ёқтирувчилар қаттиққўл, интилувчан, оилада меҳрибондирлар. Бу рангни ёқтирмаганларда шахсиятпарастлик ва худбинлик кузатилади. Бундай одамлар индамас, оғир, кўнглидагини зўрға тилига чиқарувчидирлар.

КУЛРАНГ — Рашкчи ва хаёлпарастларнинг севимли ранги бўлиб, аниқ қарорга келгунча кўп ўйлайдиган, «етти ўлчаб бир кес» қабилида иш тутувчиларга хосдир. Бу нейтрал ранг ҳисобланиб, яъни «балиқнинг боши ҳам, думи ҳам бўлма, ўртаси бўл» қабилида иш тутувчиларга ёқади.

Адибахон Ғайрат қизи тайёрлади.

КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

Кузнинг охирги ойи. Қишнинг остонасида турибмиз. Қизил, сариқ, яшил ранглар уйғунлашиб кетган аломат рангли япроқлар ер билан битта. Айниқса, майдалаб ёғаётган куз ёмғири дилни орзиқтириб юборади. Бундай пайтда нима ҳақдадир ўйламасдан илож йўқ. Йўлингизга поёндоздек тўшалган хазонкўрпани босиб ўтгингиз келмайди. Ҳаёт эса шиддаткор, шу ҳақда ўйлаб, қадамларингиз тезлашади яна.

Қайси фаслда бўлмасин, табиатдан — атрофингизни ўраб турган борлиқдан яхши кайфият, завқ топиб яшаганингизга нима етсин! Сиз ҳам шу ҳақда ўйлаётган бўлсангиз не ажаб.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

Ривоят қилишларича, борлиққа оғир маҳзунлик чўккан куз кунларида бир онаизорнинг ёлғизгина ўғли дардга чалинибди. Унинг касалини даволамоқчи бўлган табиблар узоқ ўйга чўмибдилар ва:

— Бу йигитнинг касали баҳорий яшилликдан, Наврўзнинг хушҳавосидангина шифо топиши мумкин, — деб ташхис қўйибдилар.

СЎЗ СЕҲРИ

То баҳоргача ўртада уч ойлик қиш бор, йигитнинг аҳволи эса кундан-кунга оғирлашиб борарди. Она кечаси-ю кундузи Аллоҳга ёлвориб ўғлининг соғлигини, умрини тилар, одамлардан илму тажрибаси ўткир табибларни суриштираркан. Кунларнинг бирида машҳур бир табибнинг дарагини эшитибди ва уни ялиниб-ёлвориб уйига олиб келибди. Табиб беморнинг дардини аниқлагач, аввал келган табибларнинг маслаҳатини ҳам онадан сўраб билибди. Қўшни хонага чиқиб жаҳл билан:

— Ахир, ўғлингизнинг касалига давони айтишибди-ку! Ҳали куз тугагани йўқ, қиш тўқсон кун давом этади. Менинг қўлимдан нима келади?! — деб бақириб берибди.

Унинг гапларини эшитган беморнинг аҳволи кун сайин эмас, соат сайин оғирлаша бошлабди. Бироқ она шунда ҳам умидсизланмай, элда яхши ном чиқарган табибларни излайверибди. Олис бир тоғ қишлоғида ажойиб бир ҳаким борлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, бир неча кун йўл босиб, ҳакимни уйига олиб келибди.

Ҳаким бемор йигит билан худди эски танишлардек ҳол-аҳвол сўрашибди. Томирини ушлаб кўргач, мулойимлик билан:

— Мендан аввал текшириб кўрган табиблар тўғри айтишибди, дардингизга баҳорий яшиллик, Наврўзий хушҳавогина даво бўлади. Иншоаллоҳ, тузалишингизга оз қолди. Мана, куз охирлаб боряпти, кўз очиб юмгунча бир ҳовуч қиш ҳам ўтиб кетади. Қарабсизки, сизнинг танангизга қувват, кўзларингизга нур, дилингизга янги орзу-ниятлар олиб баҳор кириб келади, — дебди.

Ўша кундан бошлаб бемор йигитнинг кўнглида тузалишга бўлган ишонч куртак ёзибди. Табиб айтганидек, баҳорнинг ташрифи тез кунларда насиб қилишига ўзини ишонтирибди. Меҳру муҳаббат, самимият билан айтилган доно сўз беморга сабр-қаноат, ирода бахш этибди. Ҳадемай, юртга баҳор келиб, бутун табиатга бахш этгани каби бемор йигитга ҳам куч-қувват, бардамлик, соғлик ато этибди.

Юқорида келтирилган воқеа ҳақиқатга нечоғли яқин эканлиги ёлғиз Аллоҳга аён. Бироқ сўзнинг сеҳри, қудратига такрор-такрор иқрор бўлган одамлар дилида бу ривоятнинг умрбоқийлиги бежиз эмас.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

Энг, энг, энг...

Энг биринчи фотосуратчи — парижлик аёл Антуанетти де Корревонт бўлган. Хоним 1843 йилда Монакода портерет салонини очган.

***

Биринчи профессионал шифокор аёл Элизабет Блеквелл бўлган. Биринчи жаррох аёл ҳам унинг синглиси эди.

***

Қизларга бағишланган биринчи журнал «Ёш хоним» бўлиб, журналнинг илк сони 1756 йили 6 январда Лондонда чиққан. Лекин унинг фақатгина еттита сони чиққан бўлиб, улар ҳозирда Оксфорддаги Бодлен кутубхонасида сақланмоқда.

***

Биринчи вазир аёл Александра Коллонтой эди. У 1917 йил 8 ноябрда ташкил этилган революцион ҳукумат таркибида жамоатчилик назорати ишлари бўйича халқ комиссари эди.

***

Биринчи бор ундов (!) белгиси 1553 йил Лондонда чоп этилган «Эдуард VI катехизислари»да пайдо бўлган.

***

Энг қадимий харита эрамиздан олдинги 1320 йилда пайдо бўлган.

***

Инсон ўлими билан тугаган энг биринчи автоҳалокат 1896 йил 17 августда Англияда содир этилган. Суд ушбу ҳолатни бахтсиз ҳодиса деб баҳолаган.

***

Энг биринчи двигателли учар аппаратларни чиқарган корхона Вуазенлар (Франция) фабрикаси бўлиб, у 1906 йил ака-ука Габриэл ва Шарллар томонидан барпо этилган. Шуниси қизиқки, фабрикани очаётган акаукани ҳисобида бор-йўғи 4-5 франк ва чўнтагида майда чақалар бор бўлган, холос.

Беҳзод Қодиров тўплади.

Эътиборсизлик ёнғинга олиб келади

Ҳар йили куз-қиш пайтида республикамиз ҳудудида Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Бундан кўзланган асосий мақсад ёнғиннинг олдини олиш бўйича профилактика ва аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтиришдир.

Бу даврда ҳар бир маҳаллий ёнғин назорати органлари томонидан уларга бириктирилган ҳудуддаги барча фуқаролар яшаш жойлари, мулкчиликдан қатъий назар фаолият кўрсатаётган масканларнинг ёнғинга қарши ҳолатлари ўрганиб чиқилади, фуқаролар, ишчи-ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

ИИВ ЁХББнинг маълумотларига қараганда, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида республикамизда 9938 та ёнғин содир бўлган. Оқибатда 136 киши ҳалок бўлган, 628 нафар фуқаро тан жароҳати олган. Кўрилган моддий зарар 1 миллиард 152 миллион сўмни ташкил қилган. Масалан, пойтахтимиздаги Миробод туманида 67 та ёнғин содир бўлган. Зарар 602 минг сўмни ташкил қилган, 3 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

Маълумотларга кўра, ёнғинларнинг асосий қисми ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги, ёш болаларнинг уйда эътиборсиз қолдирилиб, гугурт ёки олов билан ўйнашлари оқибатида содир бўлаётганлиги кузатилган. Бундан ташқари, ҳозир хазонларнинг фуқаролар томонидан ёқиб юборилиши, кўчалар, йўлакларнинг йиғилиб қолган тез ёнувчи хазонлардан, шох-шаббалардан тозаланмаганлиги, кўп қаватли уйлар йўлаклари тунда етарли даражада ёритилмаслиги, уларда вақтинчалик электр симларидан фойдаланиш ҳолатлари ҳам ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳар бир ёнғин йўқотиш демак. Унинг зарари фақат моддий томонда эмас. Ачинарлиси, ёнғин оқибатида инсонларнинг тан жароҳати олиши, ҳалок бўлишидир. Гап инсон ҳаёти ҳақида борар экан, айтиш керакки, бу борада ҳеч биримизнинг лоқайдлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Шунга кўра, кузги-қишки мавсум олдидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли яшайдиган уйлар дудбуронларининг вақтида тозаланишига, электр ва газ мосламаларининг созлиги доимий назорат қилинишига, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдириб кетилмаслигига алоҳида эътибор қаратиш, тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

Миробод тумани Ёнғин хавфсизлиги хизмати маҳалла аҳли ва фаоллардан, азиз юртдошларимиздан ўз уйларида, кўчада ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишни, кўчаларни тоза ҳолатда сақлашни ҳамда йиғилиб қолаётган хазонлар ва шох-шаббаларни вақтида тозалаб, уларнинг ёқиб юборилишининг олдини олишни сўрайди.

Одил ХОЛХЎЖАЕВ, Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори.

Жаҳон ҳафта ичида

ЭРМИТАЖГА ҚАЙТГАН ЭКСПОНАТ

Эрмитаждан ўғирланган экспонатларнинг яна бири ўз жойига қайтарилди. Бу рус заргарлик санъати бўлимидан ўғирлаб кетилган чўнтак соати эди.

ИТАР-ТАСС тарқатган ахборотга кўра, тилладан ясалган ушбу соат Доре фирмаси томонидан XIX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган. Экспертларнинг баҳолашича, соатнинг қиймати 10 минг доллар туради. Доре соати Эрмитаждан ўғирланган 221 буюмнинг 31-бўлиб музейга қайтарилди.

Айтишларича, соат Санкт-Петербургдаги ломбардларнинг биридан топилган. Ушбу қимматли экспонатни ломбардга топширган фуқаронинг кимлиги ҳозирча сир тутиляпти.

ТИНЧ ОКЕАНИДА ЯНГИ ОРОЛ



Тинч океанининг жанубий-ғарбий қисмида, Тонга ороллари яқинида янги орол борлиги қайд этилди. Ушбу орол келиб чиқишига кўра, вулқонли ороллар тоифасига киради.

Ушбу топилма "Майкен" яхтаси экипажига тегишли. Ўзларининг интернетдаги кундаликларида денгизчилар ўз кашфиётларини 12 август санаси билан боғлашган. Айнан шу куни улар уфқда ёруғлик чизиғини кўришган. Орадан озгина фурсат ўтгач эса, сув устидаги қалин пемза қатламига дуч келишган. Ушбу "сузувчи тошларнинг ирреал майдони"га бир неча юз метр киргандан сўнг, яхта изига қайтган. Эртасига эса оролнинг ўзи ҳам кўринган. Ушбу воқеага гувоҳ бўлган денгизчиларнинг кўрсатмаларига кўра, оролнинг диаметри бир милга яқин масофани эгаллайди.

«ОЛИМПИАДА – 2018»

Украина 2018 йилда ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинларини ўзида ўтказишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда РИА Новостига комплекс директори Александр Шевченко маълум қилган. Унинг фикрларига кўра, "Олимпиада — 2018" нинг Украинада ўтказилиши ҳақиқатга яқинроқ.

Сўнгги маълумотларга кўра, тоғ чанғисига мослашган ушбу комплексни ривожлантириш учун 150 миллион доллар миқдоридаги маблағ ажратилган. Биргина 2006 йилнинг ўзида бу ерда 95 миллион долларни ўзлаштириш режалаштирилган. Бу пулларга асосан умумий узунлиги 30 километр бўлган трассалар барпо этилган.

Украина айни дамларда Польша билан ҳамкорликда 2012 йилда ўтказиладиган Европа чемпионатини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш олиб бормоқда.

БОШ КОТИБНИНГ БАҲОСИ



Европа Иттифоқи Бош котиби Терри Дэвис Жанубий Осетияда ўтказилган референдумни "кераксиз, фойдасиз ва ноҳақ" деб баҳолаган. Бу ҳақда ташкилотнинг расмий сайтида хабар қилинган.

Дэвиснинг фикрича, овоз бериш жараёни "тинч сиёсий ечимни топиш йўлида бирор-бир наф бермайди". Қолаверса, референдумда этник грузинларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаганлиги ҳам жаноб Дэвиснинг "қаҳрини қўзғатган" кўринади. Айнан шу сабабларга кўра, референдум натижаларини "халқ иродаси деб баҳолаш қийин ва у халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмайди", деб ҳисоблайди Терри Дэвис.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Маҳфуза Қамбаровага умр йўлдоши **Иброҳимжон Қамбаров**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги — O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, ilmiy-ommabop gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51; Бўлимлар — 136-58-73; Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1323. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2108. Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00